

ИННОВАЦИОН ТАДБИРКОРЛИК – ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БАРЧА ЖАБҲАЛАРИНИНГ АСОСИ СИФАТИДА

Архитектура кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент, Қорақалпоқ Давлат университети,
Нукус шаҳри
Аляминов Хайрулла Исламович

Аннотация: Мақоланинг мақсади талабаларга тадбиркорлик соҳасида муваффақиётларга эришишларининг йўлларини, тадбиркорлик ғоясини излашдан бошлаб, ташкилотнинг истеъмолчилар учун зарур маҳсулот ишлаб чиқаришга имкон берадиган аниқ лойиҳани амалга ошириш занжирини очиб беришдан иборат. Тадқиқот методи мазкур мавзуга оид адабиётларни ўрганиш, таҳлил қилиш усулларига асосланган. Мақола хулосасида олий таълим муассасаларида талабаларнинг инновацион тадбиркорлик фаолиятига тайёргарликнинг тўртта мотивацион, конгнитив, фаолиятли, инновацион жиҳатини ажратиб ўтилган. Мақолада шунингдек, мазкур компонентлар ичидаги энг муҳими фаолиятли компонент ҳисобланиб, улар: иқтисодий ҳаётга бевосита иштироки, талабаларнинг таълим жараёнидаги инновацион тадбиркорликга оид билимларни ўзлаштириш даражаси, инновацион тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда зарур бўлган кўникма ва малакаларга эгаллиги ҳисобланиши баён этилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, инновацион тадбиркорлик, янги ғоя, бизнес-режа, ресурс излаш, мотивацион, конгнитив, фаолиятли, инновацион.

Кириш. Мамлакатимизнинг ОТМларида инновацион тадбиркорлик фаолиятини шакллантириш ва уни ишлаб чиқариш корхоналари билан корпоратив бирга ишлаш йўлларини аниқлашда ўзига хос имкониятлар эшигини очиши аниқ, бу икки томонларнинг яъний иш берувчи корхона билан бўлажак ишчи талабалик даврдан бошлаб корхона буюртмасини бажаришга қаратилиб икки томон манфаатларини ҳисобга олиш механизмларини ишлаб чиқиш куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб келмоқда.

Иқтисодий эркинлик ҳар бир ОТМнинг ривожланишида ва инновацион тадбиркорликни ривожлантириш орқали ОТМ битиривчиларининг келажакда рақобатдош кадрларни мамлакатимизга тайёрлаш ва тарбиялашда бозор иқтисодиёти даврида янги иш ўринларини яратишда тезкорликда бозор эҳтиёжларига мослашишни талаб этмоқта. ОТМ даги тайёрланаётган йўналишларни бозор талабларига мослигини таъминлайди.

Тадқиқот методи муаммога доир илмий ва махсус адабиётлар, лойиҳаларни таҳлил қилиш. Талабаларнинг тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожланиш йўналишларини шакллантиришга Қаратилган таклиф ва тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқот натижаси. Тадбиркорликни – капитални йўналтиришнинг янги соҳаларини излаш, мавжуд маҳсулотлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва янгиларини яратиш, шахсий устуворликни ривожлантириш, даромад олиш учун турли имкониятлардан самарали фойдаланиш деб таърифлаш мумкин. Шу билан бирга тадбиркорлик бозор учун янги маҳсулот ишлаб чиқариш, фаолият соҳасининг ўзгартирилиши ёки янгиси корхона ёки тармоқ барпо этилишида мажбурий фойдаланиш деб тавсифланади. Тадбиркорлик моҳиятини идрок этишда тадбиркорларнинг ўзаро боғлиқ тўрт фаолиятини алоҳида кўрсатган америкалик иқтисодчилар Р.Мак Коннелл ва С.Ю. Брюларнинг қуйидаги нуктаи назарлари алоҳида аҳамият касб этади:

- тадбиркор ер, маблағ ва меҳнат ресурсларини маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда хизмат жараёнига бирлаштириш ташаббусини ўз зиммасига олади;
- тадбиркор бизнесни олиб бориш жараёнида асосий қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни, яъни бизнесни ривожлантириш йўналишлари, корхона фаолияти йўналишини белгиловчи операцияларни ўз зиммасига олади;
- тадбиркор янги маҳсулот (хизмат)ларни ишлаб чиқаришга интилувчи, янги ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқарувчи ёки бизнесни ташкил қилишни ва ривожланишнинг янги шакллари олиб кирувчи ташаббускор шахсдир;
- тадбиркор тадбиркорлик фаолиятида юзага келадиган хавфни ўз зиммасига олади, зеро, тадбиркор учун даромад олиш кафолатланмаган, сарф этилган вақт, ҳаракат ва қобилиятлардан даромад олиш баробарида зарар кўриш ҳам мумкин.

Бундай ҳолларда тадбиркор нафақат ўзининг ўз вақти, меҳнати ва ишбилармонлик обрўси билан, балки сарф этилган маблағ билан ҳам таваккал қилади. Шундай қилиб, ижодкорлик тадбиркорлик вазифаларидан бири бўлиб, тадбиркорлик фаолиятида доим мавжуд бўлиши шартдир. Дарҳақиқат, янги ғояларни излаш ва уларни татбиқ этиш тадбиркорликнинг энг муҳим ва шу билан бирга энг мураккаб вазифасидир, чунки, бу ҳолда тадбиркордан нафақат ижодий фикрлаш ва янги ечимларни топиш, балки истикболли фикрлаш, келажакдаги жамиятнинг эҳтиёжларини кўра олиш хусусиятини ҳам талаб этади. Инновациялар – тадбиркорликнинг маҳсул қуроли бўлиб, бунда инновациялар ўз ҳолича эмас, балки янгиликларни йўналтирилган ташкилий излаш, уларга тадбиркорлик таркибларининг мунтазам қаратилганлигидир. Тадбиркорлар фикрлашнинг инновацион турини фарқлайди, инновацион фаолият эса ўзида тадбиркорликнинг алоҳида қуролини акс эттиради.

Инновацион тадбиркорлик – тадбиркорлик фаолияти барча жабҳаларининг асоси сифатида қараш мақсадга мувофиқдир. Чунки, инновацион тадбиркорлик – бир пайтнинг ўзида ҳам иқтисодий ҳолат, ҳам жараёндир. Иқтисодий ҳолат сифатида тадбиркорлик истеъмолчиларга маълум тавсифларни (иш хизмат), зарур натижани олиш бўйича ишлаб чиқариш ва сотиш, ишлаб чиқариш муносабатларининг шакли сифатида намоён бўлса, иқтисодий ҳолат сифатида эса, товар (иш, хизмат) сотиш жараёнида истеъмолчилар [1] билан, маҳсулот етказиб берувчилар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар, ёлланган ишчилар ва ниҳоят, давлат ва бошқа бошқарув ташкилотлари билан ўзаро муомалада юзага келадиган муносабатларнинг барча тизимини ўзида акс эттиради.

Тадбиркорлик жараён сифатида ҳаракатларнинг – тадбиркорлик ғоясини излаш (туғилиши)дан бошлаб, ташкилотнинг истеъмолчилар учун зарур маҳсулот ишлаб чиқаришга имкон берадиган аниқ лойиҳасига айланишига қадар мураккаб занжирни ўзида акс эттиради. Ушбу жараён фойданинг маълум ҳажмини қўлга киритиш билан ниҳояланади. Шунга кўра тадбиркорлик жараён сифатида тўрт асосий босқични ўз ичига олади:

- ✓ янги ғоялар излаш ва уларни баҳолаш;
- ✓ батафсил бизнес-режа тузиш;
- ✓ зарур ресурсларни излаш;
- ✓ яратилган корхонани бошқариш.

Дарҳақиқат, бизнес-режани ишлаб чиқиш билан бирга ғоялар танланади ва баҳоланади, шу вақтнинг ўзида яратилаётган инновацион ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилиши ва патент олиш учун талабнома берилиши мумкин. Инновацион тадбиркорлик учун янги ғояларни излаш ва яратилаётган интеллектуал маҳсулотни ҳимоя қилиш каби босқичлари айнан муҳим аҳамият касб этади.

Инновацион тадбиркорлик – ғоя ва ихтиролардан амалий фойдаланиш орқали янги товар ва технологиялар яратиш жараёни ҳисобланади. Шундай қилиб, тадбиркор-новаторнинг вазифаси – ихтироларни татбиқ этиш билан бирга ишлаб чиқаришни ислоҳ қилишдир, янада кенгроқ маънода янги технологик имкониятларни қўллаш орқали янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки тайёр маҳсулот бозори очилиши ёки янги манбанинг очилиши эвазига эски маҳсулотларни янги услубда ишлаб чиқаришдан иборат [2].

Инновацион тадбиркорлик – янгилик яратишнинг алоҳида ижодкорлик жараёнидир, хўжалик жараёни, унинг замирида мунтазам янги имкониятларни излаш, инновацияларга йўналтирилганлик этади. Бу мавжуд лойиҳани такомиллаштириш ёки янгисини амалга оширишдаги таваккалчиликни, шунингдек, бу жараёнда юзага келадиган молиявий, маънавий ва ижтимоий жавобгарликни тадбиркор ўз зиммасига олишга тайёрлиги билан боғлиқ. Инновацион тадбиркорлик жараёнида ўз хусусиятларига кўра инновациялар орқали янгилик киритиш амалий фойдаланиш орқали (маҳсулот ва хизматлар, олий маҳсулотлар) ва технологиялар воситасида ишлаб чиқарилади. Инновация ёки янгилик киритиш янги жараён, янги воситани маҳсулот жараёнини (техник, иқтисодий, ташкилий, маданий ва б.) яратиш ва фойдаланиш. Фаолият воситалари маҳсулот ва услубларини такомиллаштирувчи радикал янгилик ва янгиликларни ажратади.

Мунозара. Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятига кенг имкониятлар, шароитлар, имтиёз ва афзалликлар берилётгани, хўжалик юритувчи субъектлар сонининг кўпаяётгани, бунда эркин рақобат муносабатларининг ривожланиши ҳамда иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш йўналишига бўлаётган талабнинг ошиб бориши билан асосланади.

Иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналиши бўлиб фақат ишлаб чиқариш омиллари ва инвестициялар асосида иқтисодий ривожлантириш эмас, балки улар билан бирга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожланиш йўналишларини шакллантириш асосида келажакда инновацион иқтисодийёт моделига ўтиш лозимдир. Биз ўз тадқиқотимиз давомида олий таълим муассасаларида талабаларнинг инновацион тадбиркорлик фаолиятига тайёргарликнинг тўртта жиҳатини ажратиб ўтишга ҳаракат қилдик:

- Мотивацион. Бунда мотивацион жиҳати сифатида: сабаб, эҳтиёж, мақсад сари ҳаракат қилиш ва кадриятлар йиғиндисини назарда тутилди;
- Конгнитив. Талабаларнинг иқтисодий ва инновацион тадбиркорлик фаолият тўғрисидаги билимлар йиғиндиси;
- Фаолиятли. Талабалардаги инновацион тадбиркорлик фаолиятининг ҳар хил турлари асосида шакллантириладиган кўникмалар ва малакалар;
- Инновацион. Ҳар бир талабанинг функционал вазифаси сифатидаги ижтимоий- психологик сифатлари.

Мазкур компонентлар ичидаги энг муҳими фаолиятли компонент ҳисобланиб, улар: иқтисодий ҳаётга бевосита иштироки, талабаларнинг таълим жараёнидаги инновацион тадбиркорликга оид билимларни ўзлаштириш даражаси, инновацион тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда зарур бўлган кўникма ва малакаларга эгаллиги ҳисобланади.

ОТМларда талабаларнинг инновацион тадбиркорлик фаолиятига тайёргарлигининг конгнитив компонентлик моҳияти:

- тадбиркорликни ривожлантириш;
- талабаларнинг тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахслар фаолияти ҳақидаги билимлар;
- Ҳар хил турдаги товарларни ишлаб чиқариш технологияларини билиши ҳисобланади.

Фикримизча, мамлакатимизда ОТМларда талабаларнинг тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожланиш йўналишларини шакллантиришда куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

- тадбиркорлик субъектларининг инновацияларга максимал даражада таъсирчанлигини таъминлайдиган шароитларни яратиш;
- илғор технологияларни тижоратлаштириш соҳасидаги мавжуд вазиятни тубдан ўзгартириш заруриятини шакллантиришга таъсир кўрсатувчи инновацион инфратузилмалар фаолиятини шакллантириш;
- таълим жараёнида талабаларни фанларнинг амалий машғулотларида Startap лойиҳаларига ишланмаларни тайёрлашга жалб этиш;
- талабалар томонидан яратилган тадбиркорликга оид янги ғоя ва маҳсулотларни бозор шароитида реализация этиш учун маркетинг ёрдамчи бўлимларни ташкил этиш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Х.Аляминов. Подготовка студентов к инновационному предпринимательству в университетах. Журнал текущих исследований по педагогике, 4(11), 56-60. <https://doi.org/10.37547/pedagogics-crjp-04-11-10>
2. Болтаев Ш.Ш, Рахматов А.А. Тадбиркорликни инновацион ривожлантиришнинг айрим жиҳатлари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 5, октябрь, 2019 йил “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. №2, апрель, 2021 йил. ISSN: 2181-10163.
3. Жўраев Т.Т, Каландаров Р.А. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали иқтисодийётнинг реал секторини инновацион тараққиётини таъминлаш. Илмий-оммабоп рисола.- Т., 2019 йил., 52 б
4. Кирьяков А.Г, Максимов В.А. Основы инновационного предпринимательства. – М.: Феникс, 2002. – С. 160.
5. Аляминов. Х. И. (2023). Инновацион тадбиркорлик-шахс шаклланишида муҳим фактор сифатида. Quality of teacher education under modern challenges, 1(1), 77-81.
6. Alyaminov, X. I. (2023). Innovative entrepreneurship in students as a factor of socioeconomic development of society. Zibaldone Estudios Italianos, 10(2), 393-399.